УШБУ СОНДА:
2 ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ
3 ФИРИБГАРНИНГ ТУЗОҒИ
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 ДЯТЛОВ ДОВОНИ СИРИ

MEZON:

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқа ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 10-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 36 (491) 2006 йил 12 сентябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ЯРАТУВЧИЛИК САОДАТИ

Юртимиз манзиллари кўркам, чиройли ва мафтункор. Бири минг йиллик бой тарихимиз ва давлатчилигимиз тамойилларини акс эттирса, бошқаси халқимизнинг улкан яратувчилик салоҳияти — иқтисодий қуч-қудратимизни, яна бири мамлакат ижтимоий салоҳияти ёхуд ўзбекона миллий-маънавий ўзлигимизни намоён этади.

Ватанимиз мустақиллиги туфайли уларнинг барчаси ўз кўрки-жамолини кашф этди, халқимиз ва мамлакатимизнинг улкан бойлиги, ғурур ва ифтихор манбаига айланди.

Том маънодаги тараққиёт ва гўзалликни юртимизнинг ҳар бир гўшаси, манзили, жабҳасида кўриш мумкин. Бош кентимиз — азим Тошкент улар орасида энг йириги, кўрками, халқимизнинг фахр-ифтихоридир. Эндиликда у Мустақил мамлакатнинг юраги, ижтимоий-сиёсий ва маънавий маркази сифатида жумлаи жаҳонга танилган. Бу шаҳарда дунёнинг мана-ман деган кўркам шаҳарларига хос ажиб гўзаллик, тозалик, орасталикни, нодир меъморий обидалар намуналарини кўрасиз. Ибратли жиҳати: ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг бу каби замонавий андозаларига ҳозир мамлакат пойтахтидагина эмас, унинг узоқ-яқин барча манзиллари — вилоят марказлари, туман ва ҳатто олис-олис қишлоқларда ҳам дуч келасиз. Тадбиркорлик ва омилкорлик серқирра турмушимизнинг маъно-мазмуни, сайқалтошига айланган, десак, тўғри бўлади. Буларнинг бари 15 йил муқаддам халқимиз хоҳиш-иродасига биноан Юртбошимиз томонидан экиб-ундирилган мустақиллик аталмиш саҳоват дарахтининг тотли меваси-дир. Чиндан ҳам, шундай: юртимиз манзиллари истиқлол неъматларига лиммолим. Қуйидаги лавҳалар бунинг бир ифодаси, холос.

ЭЗГУЛИК РИШТАСИ

— Оразқилич билан ҳарбий хизматда дўст тутинганмиз, уни кўргани кетаяпман, — деди йўловчи отахон, — мана орадан салкам 45 йил вақт ўтди. У дарёнинг нарёғида — Тўрткўлда, мен эса буёғида — Питнакда яшайман. Ўтган гал меҳмонга келганимда ҳисоблаб кўрсам, орамиздаги масофа атиги 18 километр экан. Хоҳ инонинг-хоҳ инонманг, шу 45 йил ичида у билан нари борса, 5-6 мартагина юз кўришганмиз, холос. Аммо кейинги 3 ой ичида 2-3 марта учрашдик.

— Амударёнинг у ёғи билан бу ёғини кўприкдан бўлак нимаям боғларди, бобо?!

— Отангизга раҳмат, ўғлим, топдингиз. Кўприк узоғимизни яқин қилди. Президентимизга минг бора раҳмат, десак оз. Ундан фақат поезд қатнайди, десам, машина ҳам ўтаркан. Кўприк ишга тушганидан буён 3 ой ўтган бўлса, дўстимникига иккинчи келишим. Аввал Оразқиличникига ё Урганч, ё Туркманистон орқали 150-200 чақирим йўл босиб борардик, йўл йўқлигидан, ҳатто автобус ҳам қатнамасди. Дарёга кўприк қурилгач, кафтдай текис асфальт йўл ҳам пайдо бўлди. 150-200 километрлик йўл бор-йўғи 18 километр бўлди-қолди. «Кўприк дарёнинг икки қирғоғини бирлаштирди», дедингиз. Йўқ, ўғлим. Энди кўнгилларимиз ҳам бирлашди, азалий борди-келдиларимиз қайта тикланди. Автобус ва поездлар билан энди Тўрткўл тугул, пойтахтимизга, юртимизнинг барча жойларига ва ҳатто чет элларга ҳам бора оласиз.

... Бундан уч йил муқаддам Хоразмда бунёд этилган мамлакатимиздаги энг йирик темир йўл ва автомобиль йўли кўприги аслида қариялар дилинигина хушнуд этиб қолгани йўқ. У амалда мамлакатимиз қуйи Амударё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омилига айланди. Эндиликда у бир томондан, аҳоли, иккинчи томондан, худуд халқ хўжалигининг ҳам ҳаёт риштасига айланганлигини барча бирдай эътироф этаяпти.

Бу муаззам кўприкнинг бунёд этилиши минтақада юзага келган кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш имконини берди. Зеро, поездларнинг қўшни давлат ҳудуди орқали қатнови ортиқча сарф-харажатларга сабаб бўлиши табиий. Кўприк айни пайтда Учқудуқдан Амударё соҳиллари томон тортилган сал кам 300 чақиримлик «пўлат из»ларни воҳага улади. Бу билан Қизилқум саҳросининг темир йўл атрофи ҳудудларини ободонлаштириш истиқболларини ҳам очди.

Бунёдкорлик жараёни шахсан Президент назоратида турди. Уни фойдаланишга топшириш маросимида ҳам давлатимиз раҳбари иштирок этди. Президентимиз минтақа аҳлини ушбу тарихий воқеа билан самимий муборакбод этди. Мамлакатимиз барча минтақаларнинг бирдай равнақини таъминлаш асосий вазифа эканлигини уқтирди.

Салкам 60 миллион АҚШ долларига тенг маблағ эвазига барпо этилган 781 метр узунликдаги метиндай мустаҳкам мазкур салобатли иншоот бир неча ўн километрлик магистрал йўл тармоғи ҳамда йирик-йирик канал кўприкларини ҳам ўз ичига олади. Иншоотни барпо этганлар доимо иззат-ҳурматда. Кўприкнинг ўзи эса наинки эллар ва юртлар, балки қалбларни ҳам бир-бирига пайвандловчи дўстлик риштасига айланган.

Йўл, кўприк, қудуқ қазиб, сув чиқарганлар чексиз савоб ва иззат-ҳурматга лойиқ эканлигининг исботи шу эмасми?

ОМИЛКОРЛАР

Боғот туманида бир корхона бор. Унинг тизгини ҳалол меҳнат эвазига бойлик яратишга бел боғлаганлар қўлида. Сирасини айтганда, «Боғот-текстил» қўшма корхонасининг ўтмишдоши — маҳаллий ип йигирув фабрикаси бўлган. Бундан уч-тўрт йил муқаддам ушбу корхона синиш арафасида эди.

(Давоми иккинчи бетда)

Bugunning gapi

«ЕР, МУЛК ЭГАСИ БЎЛДИМ»

— дейди тадбиркор Одилжон ТОШБОЕВ

Истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб бошлаган ислоҳотлари самараси ўлароқ биз ер, мол-мулк эгаси бўлдик. 1991 йил 7 гектар ер олиб, фермерлик фаолиятини бошлагандим. Кейинчалик ер майдонини 15 гектарга етказдим. Аввалига ана шу кичик хўжалигимдан топган даромадимга иккита трактор сотиб олдим.

Кейинги йилларда фермер хўжалигини янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Натижада тендерда қатнашиб, ер майдонимни юз гектарга етказдим. Ҳозир унинг 82 гектарида пахта, қолганида эса чорва учун озуқа етиштираяпмиз. Ҳар йили пахта ва буғдойдан мўл ҳосил етиштириб, шартнома мажбуриятларини бажариб келаяпмиз.

Ўтган йили тугатилган «Бобур» номидаги ширкат хўжалигининг сут-товар фермасини 30 миллион сўмга сотиб олдим. Бўрдоқичилик базасининг биноси ва унга ажратилган 23 гектар ерни ҳам тендерда ютиб, сотиб олдим. Ҳозир бу майдонларда ҳам буғдой, маккажўхори етиштиряпмиз.

Хўжалигимда 40 нафар киши ишлайди. Жамоамиз аҳли ҳам бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг пешона тери эвазига ўтган йили 36 тонна буғдой, 110 тонна пахта етиштириб, мўмайгина даромад олдик.

Ҳозирги кунда фермер хўжалигимиз қарамоғида 6 та трактор, 2 та юк автомашинаси, битта ёқилғи ташийдиган автомашина ва бошқа тиркама механизмлар бор. Фарзандларимизнинг ҳалол ишлаб топган пулига иккита «Нексия» олдик... Яқин ўтмишда бир оила, бир кичик хўжалик шунча мулкка эга бўла олармиди?!.

Шу ўринда баралла айтиш мумкинки, бундай имкониятни бизга истиқлолнинг эркинлик сиёсати берди.

Биз истиқлолга шукроналар айтиб, давлатимиз яратиб берган шароит ва имкониятларга жавобан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатишимиз лозим. Дарвоқе, шу кунларда 5 гектар майдонда балиқчилик хўжалигини ташкил қиляпмиз. Туман ҳокимлиги ва вилоят электр тармоқлари корхонаси ёрдами билан 2 та сув насоси ўрнатдик. Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳалла ободончилигига ҳам баҳоли қудрат кўмаклашаяпмиз.

Албатта, меҳнатингдан манфаатдор бўлганингдан кейин астойдил ишлагинг келаверади. Эртанги кунга ишончинг ортади.

Одилжон ТОШБОЕВ,
Бўз туманидаги «Тошбоев» фермер хўжалиги раҳбари

2005 йил ноябрь ойида «Washington Post» газетаси МРБнинг Марказий ва Шарқий Европада бир неча махфий қамоқхоналари борлиги ҳақида хабар тарқатганди. Ўшанда на америкаликлар, на шарқий европаликлар бу хабарни тасдиқлаганди. Мана, можаро бошланганидан буён орадан 9 ой ўтиб, АҚШ президенти Жорж Буш ҳақиқатан ҳам, МРБ махфий қамоқхоналари мавжуд эканини тан олиб турибди. Унинг айтишича, террорчи ташкилотларнинг юқори мартабали аъзолари, деб кўрилган 14 нафар маҳбус АҚШ чегараларидан ташқаридаги МРБнинг махфий объектларида сақлаб келинган.

Ogohlik zarurati

АМЕРИКА «ГУЛАГ»И

Жорж Буш МРБнинг махфий қамоқхоналари борлигини тан олди

Ҳозир эса, улар Гуантанамога кўчирилган. Улар орасида 11 сентябрдаги террорчилик ҳуружининг асосий ташкилотчиларидан бири, деб қаралаётган Холид Шайх Муҳаммад бўлган. Жорж Буш ана шу масалага бағишланган йиғинда, Конгрессдаги нутқида шу ҳақда баён қилди. Президент конгрессменларга терроризмда айбланганларни худди ҳарбий трибуналга тортилганлар каби суд қилишга имкон берадиган қонун қабул қилишни таклиф этди.

Жорж Буш буни тан олишининг, аввало, иккита сабаби бор: маъмурият киритган қонун лойиҳасини Конгресс томонидан қабул қилиниши учун туртки бериш истаги ва Европадан келаётган хабарларга муносабат билдириш зарурати.

Гап шундаки, ўтган йили Европа Кенгаши АҚШнинг махфий қамоқхоналари ҳақидаги хабарни текшириш бўйича комиссия тузган эди. Асосий айбдор мамлакат, деб тахмин қилинганлар орасида Польша ва Руминияни назарда тутганди. Чехия эса, маҳбусларни ташишдаги бирламчи ўткизиш манзили сифатида хизмат қилганликда айбланганди. Июль ойида комиссия раҳбари швейцариялик Дик Марти махфий қамоқхоналар ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини тасдиқлади. Тўғри, Мартининг қўлида аниқ далиллар йўқ ва унинг хулосалари асосан Америка махсус хизмати самолётларининг Европа аэропортларига қўниб-учган вақт-тартибларига асосланган. Жорж Бушнинг: «Қамоқхоналарнинг жойлашгани ва терроризм билан кураш тафсилотлари, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизга ноқулайлик келтирмаслиги учун махфий сақланади», деб берган ваъдасига қарамай, яқинда Польшанинг собиқ бош вазири Лешек Миллер яна: Польша ҳудудидаги ҳеч қандай махфий қамоқхоналар бўлган эмас, деб айтди. Мана, Руминиядан келган шарҳ. «Реалитата Ромынэскэ» газетаси халқаро бўлими мудири Корнему Влад «МН»га қуйидагиларни баён қилди: «Кейинги ярим йил мобайнида Руминия ҳукумати мамлакатда ҳеч қачон МРБнинг махфий қамоқхоналари бўлмаганини қатъий таъкидлаб келди. Халқаро текширувлар ва Европа ташкилотлари маърузаларида ҳам уларнинг борлиги тасдиқланмади, бироқ барибир бу ҳужжатларнинг айримларида Руминиядан гумон қилинганди. Аввало, шунинг учунки, Руминия, бошқа Шарқий Европа мамлакатларига қараганда, Польша каби аниқ билиниб турадиган Америкага мос сиёсат юритади. Ҳар ҳолда Бушнинг баёноти икки маъноли характер касб этади: у АҚШ ёки МРБнинг Европадаги эмас, балки умуман «жаҳондаги» қамоқ марказлари ҳақида гапирадики, бу Гуантанамони ҳам, Абу-Грейбни ҳам англатиши мумкин. Бушнинг баёноти Руминия учун жуда таъсирчан бир дақиқага тўғри келди: Руминиянинг Европа Иттифоқига киришига ва Америка ҳарбий тузилмаларини ўзининг ҳудудига жойлаштирилишига бир неча ой вақт қолди. Шундай шароитда махфий қамоқхоналар тўғрисидаги мунозаралар Руминияда ҳам, Европа миқёсида ҳам қайта бошдан жонланиб кетиши ҳеч гап эмас».

«ИСКРАН»нинг АҚШ ҳарбий сиёсатининг ҳудудий муаммолари бўлими мудири Владимир Батюкнинг фикрича, АҚШ ва Европа муносабатлари жиддий инқирозга юз тутаётир. Махфий қамоқхоналарнинг ўзи эса, Америка «ГУЛАГ»ларига ўхшатилаётир, чунки уларда ҳатто ҳали айб эълон қилинмаган маҳбуслар сақланмоқда. Бошқача айтганда, АҚШнинг жаҳон терроризми билан кураши ҳуқуқий майдон доирасидан чиқиб кетди.

Остап КАРМОДИ,
Прага,
Валерий МАСТЕРОВ,
Варшава,
Вячеслав САМОШКИН,
Бухарест

Манба: «Центразия»

Бош Қомусимиз ва амалдаги қонунлар, биринчи навбатда, инсон ва унинг қонуний манфаати ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Хусусан, инсонпарварлик тамойилларига йўғрилган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам айни шу мақсадлар кўзда тутилган.

Ijro nazorati

ЯРОҚСИЗ «АНДОЗА»

Албатта, ҳар бир фуқаро ўзи ёзган талаб, таклиф, ариза ва шикоятига қонунда белгиланган муддатда жавоб олишга ҳақли. Тегишли жавоб олган фуқаронинг эса, давлат идорасига ишончи ортади. Қолаверса, фуқаронинг мурожаати туртки бериб, йўл қўйилаётган хатонинг олди олинади, камчиликка барҳам берилади. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходимлари Пахтачи туманида инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик ва хорижий инвестицияга оид қонун ҳужжатлари, шартнома мажбуриятларининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказишганда, бу борада бир қатор қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Туман ҳокимлигига 2005 йил давомида 321 та, 2006 йил бошидан шу кунга қадар 284 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Бахтиёр Турдиевнинг уй-жой масаласидаги аризаси 2005 йилнинг 19 августида туман ҳокимлигида 144-рақам билан рўйхатга олинган. Ариза ижросини таъминлаш эса, туман кадастр хизмати бошлиғи И.Қурбоновга юкланган. Бироқ орада узоқ вақт ўтса-да, И.Қурбонов аризани ўрганиб чиқмаган. Шу ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Насиба Нормуродованинг ўз хонадонини электр энергияси тармоғига улашни сўраб ёзган аризаси 2005 йилнинг 26 августида 147-рақам билан рўйхатга олинган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ma`naviyat saboqlari

ДИЁНАТ

у инсонни юксакликка етаклайди, хиёнат эса заволга

Хиёнат бор жойда диёнатсизлик юз бериши муқаррар, дейди донишманд боболаримиз. Маълумки, хиёнатнинг тури, кўриниши, бир сўз билан айттанда, қиёфаси минг битта. Масалан, у Ватанга, халққа, миллатга, эътиқодга, омонатга, ота-онага, оилага, дўстга нисбатан бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам «Огоҳ бўлингки, — дейилади Ҳадисда, — ҳар бир хиёнатчи қиёмат куни хиёнати миқдорида танилиш учун байроқ кўтариб юради».

Демак, хиёнат — катта гуноҳ.

Биз бугун хиёнат ҳақида сўз очганимизнинг боиси шундаки, агар хиёнат оқибатида юз берган диёнатсизликнинг моҳиятини тўғри англаб етсак, ибратли хулосалар чиқариш имкониятига эга бўламиз.

ВАТАН КЕЧИРМАЙДИ

Ҳа, Ватан ҳеч қачон хиёнатни кечирмайди. Чунки Ватан муқаддас бўлгани учун ҳам унга хиёнат энг катта гуноҳ ҳисобланади. Имон-эътиқоди бутун одамгина Ватанни севади, қадрлайди ва эъзозлайди. Фақат имон-эътиқодли инсонгина Ватан учун жонини қурбон қилиши мумкин. Агар юртимиз тарихига назар ташласак, бундай фидойи инсонлар жуда кўп ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Мен фақат номлари тарихда қолган инсонларнигина назарда тутаётганим йўқ. Эҳтимол, улар минглаб ёки миллионлабдир.

Бироқ диёнатли инсонлар билан бир қаторда хиёнатчилар ҳам барча даврда бўлган. Узоқ тарихни қўя турайлик-да, яқин ўтмишни эслайлик. Мисол учун Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари даврида орамиздан чиққан хиёнатчилар озмиди?

Ҳаёт синов ва довонлардан иборат. Улардан ўтиш жуда мураккаб ва машаққатли. Баъзан шуҳратпарастлик ва шахсиятпарастлик одамни шу даражада гангитиб, маст қилиб қўядики, оқибатда у кимнинг ноғорасига ўйнаб, кимнинг манфаатига хизмат қилаётганини ҳам унутади. Сир эмас, тўқсонинчи йилларнинг бошида ҳокимиятни қўлга киритиш илинжида хиёнат йўлини танлаган сохта демократлар пайдо бўлганди. Улар азбаройи ҳокимият васвасасида тақир ердан чанг чиқаришга уриниб, ҳар қандай разолатдан қайтишмади. Улар ўзларининг жирканч мақсадлари йўлида ҳатто бегуноҳ одамларни қурбон қилишдан ҳам тап тортишмади. Бу ҳам аслида Ватанга ва мустақилликка хиёнат эди.

Ватанга ва халққа хиёнатнинг яна бошқа бир жиноятқорона кўриниши Тошкентдаги ва Сурхондарёдаги террористик хуружларда намоён бўлди. Уларни хиёнат йўлини танлаган диёнатсизлар амалга оширди. Ўзи туғилиб ўсган юртга, ўз халқига қилинган хиёнат ҳеч қачон кечирилмайди, шунингдек, ўз Ватанига ва халқига хиёнат қилиб, ҳозир хорижда дайдиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Улар ҳам диёнатсизлик кўчасига кирганлардир.

(Давоми учинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

ЯРАТУВЧИЛИК САОДАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Лекин корхона «ёшулли»лари дўппи тор келганда ишни ташлаб кетишмади. Аксинча, анча чайир ва тутган жойидан кесадиган чиқишди. Дўппини ёнга қўйиб, хўп ўйлашди, чора-тадбир излашди. Сўнг бир тўхтамга келишди. Яхшилар ўгити-ю, юрак амрига итоат этиб, ягона тўғри йўлни танлашди. Мамлакатимизнинг тадбиркорликка оид қонунлари, Юртбошимизнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат кўрсатмаларига суянишди. Шу тариқа муаммонинг ечимини хорижий ҳамкорлардан, чет эл инвестицияси ва технологияларидан излашди. Тўғри-да, маблағнинг камини тўлдириш, эскирган дастгоҳларни замонавийсига алмаштиришнинг мақбул йўли шу. Ҳатто ишлаб чиқариш миқёсларини ҳам шу йўл билан кенгайтириш мумкин. Амалда ҳам шундай бўлди. Туркиянинг **«Сонмез Метал Эндустри ве Тижарет А.Ш.»** фирмаси ва «Боғоттекс» фабрикаси ўртасида тузилган янги қўшма корхона республика Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинди. 6 миллион 450 минг евродан иборат низом жамғармасининг 40 фоизини боғотлик енгил саноатчилар, қолган 60 фоизини туркиялик сармоядорлар қоплайдиган бўлишди. Хориж билан ҳамкорликка қаратилган ушбу тадбирнинг аҳамияти катта бўлганлигига, албатта, урғу бермоқ зарур.

... «Боғоттекстил» номини олган янги қўшма корхона 2005 йил февраль ойида ўзининг илк маҳсулотини чиқара бошлади. Янгича муносабат ва янги замонавий технология «ўтириб» қолаёзган корхонага кувват ва мадор бағишлади. Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттиришдан ташқари, моддий бойлик яратиш қўламларини кенгайтириш ва ҳатто тайёр маҳсулот ҳозирашгача бўлган жараёнлар ўзлаштирилди. Узоқ йиллар мобайнида шаклланиб, етарли малака ва маҳорат тўплаган жамоада иш ўринларини сақлаб қолишга эришишди, экспорт имкониятлари, молиявий барқарорлик юзага келди. Қўшма корхона вилоятнинг экспортчи жамоалари сафидан муҳим ўрин олди. Жамоа узоқ йиллар мобайнида атиги бир хил маҳсулот — ип калава ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Бугунги кунда эса ип йигириш — кўп босқичли яратувчиликнинг дастлабки жараёни. Калавани газмолга, газмолни тайёр кийимга айлантириш билан боғлиқ барча жараёнлар шу ерда амалга оширилади. Бунинг иқтисодий афзаллиги чандон катта: корхонада тайёрланган кийим-кечакнинг таннархи харид газмолидан тикилган кийимга қараганда анча арзон. Иқтисодиётдаги ўнгланишлар ана шу туфайли. Янги қўшма корхонани таъсис этиш билан боғлиқ 6,45 миллион евро миқдоридаги маблағнинг 2,58 миллиони «Боғот-текс», 3,87 миллиони **«Сонмез Метал Эндустри ве Тижарет А.Ш.»** томонидан қоплангани катта моддий-техникавий имконга айланди. Ҳамкорлар келишилган маблағни қўшма корхонага ҳаялламасдан етказиб беришди. Молиявий имкони анча чекланган «Боғоттекс» ўз улушини ишончли кафолат эвазига олинган банк кредити ҳисобига қоплади ва эндиликда бу қарзни келаётган мўмай сармоя туфайли муваффақиятли суратда узмоқда.



Қўшма корхонада ўтган йилнинг биринчи ярмида жами 471,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Орадан ярим йил ўтиб, ўсиш 395 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган мол ва маҳсулотлар қиймати 1,86 миллиард сўмни ташкил этди. Ип-калава йигириш ҳажми ярим йил ичида 151 фоизга ортиб, 765 тоннадан 1158 тоннага етди. Бу истиқболли қадамлар эса 2006 йил ташланди. Корхона халқ истеъмоли моллари, трикотаж газмол ва тайёр кийим ишлаб чиқаришга киришди. Дастлабки паллада 129 тонна трикотаж газмол, 86 минг дона катталар ички кийимлари ва болалар спорт либослари, 106 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Экспорт ҳажми кескин ортди. Ўтган йилнинг дастлабки 6 ойида 337,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич амалдаги йилнинг биринчи ярмида 1,2 миллион долларни ташкил қилди. Кувватлардан фойдаланиш соҳасидаги ўсиш 113 фоизга етгани, айниқса, яхши кўрсаткич бўлди. Булар шарофатидан корхонанинг «сармоя» аталмиш «чўнтаги» анча семираяди. Ялпи даромаднинг 12 фоизи соф фойдадан иборат бўлди. Корхона 2005 йилнинг биринчи ярмини 118,5 миллион сўмлик товар қолдиғи билан якунлаган эди. Янги хорижий ускуналар маҳсулот сифати ва харидоргирлигига гаров бўлди. Натижада корхона маҳсулотларига бўлган талаб ҳам сезиларли даражада ортди. Ҳозирга келиб, омборлардаги товар қолдиғи 40 миллион сўмликка тушди. Яқин ойлар ичида маҳсулот омборларининг тўла бўшаши кутилаяпти. Корхона маҳсулотларининг харидоргирлиги ўз навбатида қарз юкининг ҳам сезиларли даражада енгиллашувига олиб келди. Ўтган йилнинг айни шу кезларида корхонанинг дебиторлик қарзи 516,3 милилон сўмга етганди. Орадан бир йил ўтиб, ушбу миқдор 344 миллион сўмга тушди. Кредиторлик қарзи эса бундан қарийб 2 баравар кам. Иқтисодий ўнгланиш учун бу ҳам бир омил. Бошқа бир омилни эса корхона ходимлари мисолида кўриш мумкин. Корхона ўтган бир йил давомида аҳолига 60 га яқин янги иш ўринларини таклиф қилди. Натижада ходимлар сони 260 нафарга етди. Бунга иш ҳақи ставкаларини бир меъёрда сақлаш ёки музлатиш туфайли эмас, ишлаб чиқариш ва даромад миқёсларини кенгайтириш эвазига эришилди. Бир йил муқаддам қўшма корхонада ўртача ойлик маош 45,3 минг сўмни ташкил этарди. Ҳозир бу миқдор 80 минг сўмга кўтарилган.

Бугун сарфланган ҳар бир сўм маблағ корхонага камида 2 сўм бўлиб қайтаяпти. Бу — галдаги равнақ, барқарорлик ва истиқболнинг ажойиб имкони. Аммо тараққиётнинг асосий манбаи тайёр маҳсулотда. Корхонага бу йил 50 та янги замонавий тикув дастгоҳлари олиб келинди. Хорижлик ҳамкорлар ана шу машиналарни моҳирона бошқариш сир-асрорларини маҳаллий кадрларга қунт билан ўргатишди. Демак, калавадан газмолга айланган матони тайёр трикотаж кийимга айлантириш учун ҳамма нарса муҳайё. Шундай бўлгач, буёғига даромад манбаи ҳам ўзгаради ва сармоянинг пули тайёр маҳсулотдан келади. Келгандаям бирнинг ўрнига 2-3, ҳатто ундан ҳам кўп бўлиб келади.

Хулоса шуки, юртимизда ишлайман, элни бойликка буркайман, деганлар учун имконият ва қулайлик муҳайё қилинган. Боғотлик енгил саноатчиларнинг омилкорона фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mulogot

ИККИ ҲИССА МИҚДОРДА ТЎЛАНАДИ

— Ойнинг охирида ҳисобот топширилиши муносабати билан дам олиш ва байрам кунларида ҳам ишлашга тўғри келди. Иш берувчининг буйруғи билан ўша кунлари тўлиқ ишладим. Айтинг-чи, менга бу ишлаган кунларим учун ҳам иш ҳақи тўланадимми ва у қандай тартибда амалга оширилади?

Барно ШОМУРОДОВА,
Тошкент шаҳри

— Дам олиш ва байрам кунлари ишлагани учун иш ҳақи тўланади. Аниқроқ айтганда, **Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ,** иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб, бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши ҳам мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

— Дўкондан сотиб олган маҳсулотим истеъмолга яроқсиз чиқиб қолгани учун уни қайтариб олиб бордим. Лекин дўкон эгаси уни қайтиб олишдан ҳам, алмаштириб беришдан ҳам бош тортаяпти. Бу ҳақда бир танишимга айтганимда, у менга истеъмолчи сифатида Монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий идораларига мурожаат қилишни маслаҳат берди. Ушбу қўмита ва унинг ҳудудий идораларининг асосий ваколати нималардан иборат?

Барот ЭШЧОНОВ,
Шовот тумани

— **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 25-моддасига биноан Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий идоралари истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида:

— истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

— истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиш масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

— истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар;

— истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

КОРХОНА ЗАРАРНИ ТЎЛАЙДИ

— Турмуш ўртоғим бир ташкилотда электрик вазифасида ишлар эди. Иш пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Уч нафар вояга етмаган фарзандим бор. Турмуш ўртоғимдан бошқа боқувчимиз йўқ. Айтинг-чи, у иш жойида вафот этгани учун ташкилот зарарни тўлайдими?

Қ.ДЎСТМУРОДОВА,
Сурхондарё вилояти

— Ҳа, сизга боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўланади. **Меҳнат кодексининг 192-моддасида** боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни иш берувчи томонидан тўлаш мажбурияти қайд этилган. Ушбу моддага биноан ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчининг марҳум қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек, ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки неваларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Қуйидагилар меҳнатга лаёқатсиз деб ҳисобланади:

— ўн олти ёшдан катта шахслар, агар улар шу ёшга тўлгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;

— олтмиш ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;

— белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқига таъсир этмайди.

Ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларича, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

ГУВОҲНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

— Яқинда мени бир жиноят иши юзасидан гувоҳлик бериш учун терговга чақиришди. Гувоҳ сифатида менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим нималардан иборат? Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз.

Д.ЭГАМҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти

— **Жиноят процессуал кодексининг 65-моддасига мувофиқ,** жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатма бериш учун чақирилиши мумкин.

Ушбу кодекснинг 66-моддасида гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган. Гувоҳ:

— сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатмалар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад этиш; кўрсатмаларни ўз қўли билан ёзиб бериш; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш; кўрсатмалар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоялаш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суд ажрими устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Гувоҳ:

— суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда, ушбу кодекснинг 261-264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатма беришдан бош тортганлик, шунингдек, била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Кейинги йилларда одамларда боқимандалик, бошқача айтганда, давлатдан кўмак кутиб яшаш кайфияти барҳам топиб бормоқда. Тадбиркорлар ўз кучи ва имкониятларига таяниб, оиласини боқаяпти, давлатга наф келтираяпти. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тараққиётимизнинг негизи сифатида катта эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда Президентимизнинг ташаббуси билан барпо этилган тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими катта аҳамият касб этаяпти. Шу маънода, адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашдан иборатдир.

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ

Яқинда Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходимлари Жондор тумани ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишларнинг қонунийлиги, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий комиссия фаолиятини, савдога рухсат бериш ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ишини атрофлича ўрганиб чиқди. Ўрганиш жараёнида туман ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларининг аризаларини кўриб чиқишда **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонун талаблари бузилгани кўзга ташланди. Шуни айтиш керакки, қонунга кўра, фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф, шикоят мазмунида бўлиши мумкин. Ариза фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун ёрдам сўраб қилинган илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Тадбиркор Х.Ражабов савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер майдони ажратилишини сўраб, 2005 йил 19 июлда туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилган. Ариза шу куниёқ 960-сон билан расман қайд қилинган. Қарор қабул қилишни эса, ҳокимлик 35 кунга кечиктирган. Аризани ўз вақтида кўриб чиқиб, натижасини Х.Ражабовга маълум қилиш учун нималар тўсқинлик қилди, деган савол туғилиши тайин. Жавоб аниқ: лоқайдлик, бепарволик.

Тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида 2003 йил 20 августда Вазирлар Маҳкамасининг **«Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди, рўйхатдан ўтказиш тартиби янгидан тузилган шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари зиммасига юклатилди.

Ўрганиш жараёнида мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талаблари туман ҳокимликлари ҳузуридаги инспекциялар томонидан айрим ҳолатларда бузилаётгани аниқланди. Масалан, «Ихтиёр-Маҳлиё» МЧЖ раҳбарининг Когон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги инспекцияга жамиятни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб, 2006 йил 31 май куни берган аризаси шу куни 424-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Бироқ МЧЖ раҳбарининг паспортидан нусха ҳам сўраб олинганки, бу ортиқча иш, албатта. «Таъмир Электр» МЧЖ раҳбари Б.Раҳимов улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун барча зарур ҳужжатларни илова қилиб, 2006 йил 23 мартда шаҳар ҳокимига ариза берди. Ҳокимлик



масъул ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори талабларини «унутиб» қўйишган шекилли, лицензияни 14 кун кечиктириб, 2006 йил 12 апрелда беришган. Ваҳоланки, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати 2 иш кунида амалга оширилиши лозим эди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузишга, уларнинг йўлига тўсиқ қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зотан, тадбиркорлар жамиятимизнинг таянчи.

Мардон МАҲМУДОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mitti maslahat

БОЖХОНА КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож солиқлари, йиғимлар олиш, шунингдек, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш таъқиқланган товарлар божхона чегараси орқали ҳамда божхона ҳудудида транзит — тартибда ўтишнинг олдини олиш учун божхона мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Божхона кодексининг 44-моддасида шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Шунга кўра, товарлар ва транспорт воситалари эгалари товар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона идоралари мансабдор шахсларининг талабига кўра, текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва бошқа органларнинг мансабдор шахсларига зарур ёрдам кўрсатиши шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс, деб топилади. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлмаган шахслар йўқлигида божхона идоралари қуйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга ҳақли: улар товар ва транспорт воситалари тақдим этилгач, ўн кун ўтганидан кейин ҳам келмаган бўлса, давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлигига, ҳайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, Ўзбекистон Республикасининг бадиий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолларда товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда таъсир чораси сифатида божхона ҳудудида олиб қолинган бўлса.

Бундай ҳолларда бу каби товар ва транспорт воситалари уларнинг эгаси иштирок этмаса-да, кўрикдан ўтказилади.

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ

Ijro nazorati

ЯРОҚСИЗ «АНДОЗА»

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ариза корхона бош муҳандиси И.Мирзаевга ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатиш учун топширилган. У ҳам бир йил давомида бу мурожаатга бефарқ қараган, ҳатто ариза муаллифига бир энлик жавоб хати юборишни ҳам лозим кўрмаган.

Умумий ҳисобда биз юқорида қайд этган муддат оралиғида туман ҳокимлигига келиб тушган аризаларнинг 68 таси эътиборсиз қолдирилган. Бу билан **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги **«Ижро интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги **«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарорлари талаблари қўпол тарзда бузилган.

Туманда ижро назорати бу қадар бўшашиб кетганининг сабаблари бор, албатта. Муаммонинг моҳиятини англаш учун бир йил муқаддам жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман суди қабул қилган бир қарорга тўхталиш жоиз кўринади. Гап шундаки, туман суди ўтган йил 13 июнда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган Зокир Ёдгоровга нисбатан маъмурий ишни кўриб чиққанди. З.Ёдгоров туман ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлайди. 2005 йил 5 январда фуқаро Неъмат Эшмўминов туман ҳокимлигига дўкон ва дорихона қуриш учун ер ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилган. **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, мурожаат давлат идорасига келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган ариза ёки шикоятлар эса, ўн беш кундан кечиктирилмай кўриб чиқилиши керак.

З.Ёдгоров эса, Н.Эшмўминовнинг аризасига лоқайд қарайди. Судда у: «Ҳақиқатдан, 2005 йил 18 май куни ўтказилган текширишда фуқаро Неъмат Эшмўминовнинг аризаси менинг томонимдан ўрганилмагани ва ариза муаллифига ёзма хабар қилмаганим аниқланди. Бундай хато ва камчиликларга қайта йўл қўймайман», — дея ваъда берганди. Суд унинг ваъдасини ўз қарорига киритган, **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 43-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этган, деб топиб, жарима жазоси тайинлаганди.

Туман кадастр хизмати бошлиғи И.Қурбонов, электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси И.Мирзаевга бир йил муқаддам З.Ёдгоровга суд тартибида кўрилган чоранинг қандай боғлиқ томони бор, дерсиз. Гап шундаки, қуйироқ лавозимдаги мутасаддилар ўзидан бир-икки поғона юқоридаги раҳбарнинг иш юритишига қараб, улардан андоза оларкан-да. Нега деганда, Зокир Ёдгоров судда берган ваъдасини унутди, фуқаролар мурожаатига бепарво қарашини давом эттирди. Ҳокимликда рўйхатга олиниб, ўрганиб ҳал этиш учун ўзига юклатилган аризалардан ўн саккизтасини эътиборсиз қолдирди. Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, туман ҳокимлиги мутахассиси Лазиз Мардонов ҳам З.Ёдгоровдан «ўрнак» олган. У эътиборсиз қолдирган аризалар сони — ўн олтита. Ариза эгаларига қонунда кўрсатилган муддатларда жавоб хати юборилмаган.

Фуқароларнинг ариза-шикоятларини кўриб, қонунда белгиланган муддатни узрли сабабларсиз бузиш «Қўйибулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бердиёр Эрназаровнинг ҳам одатига айланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, фуқаро Нигора Каримованинг уйжой ажратишда ёрдам сўраб туман ҳокими номига берган аризаси рўйхатдан ўтказилиб, жавоб бериш вазифаси Б.Эрназаровга юклатилган.

Аммо аризани қабул қилиб олганига саккиз ойдан ошса ҳамки, Б.Эрназаров ушбу мурожаат билан шуғулланмаган. Яна тўртта аризани кўрмасдан, ҳал этилишини сабабсиз орқага суриб келган.

Вилоят адлия бошқармаси туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ёдгоров, туман ҳокимлиги мутахассиси Л.Мардонов ва «Қўйибулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Эрназаровга нисбатан **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 43-моддаси, 1-қисми билан тўпланган материалларни кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборди. Шу йил 19 август куни суд ушбу маъмурий ишни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарлар З.Ёдгоров, Л.Мардонов ва Б.Эрназаровни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топиб, уларга жарима жазоси тайинлади ва жарима давлат фойдасига ундирилди.

Дарҳақиқат, халқ дарди, ташвиши билан яшаш, одамлар оғирини енгил, мушкулини осон қилиш масъулиятли ва айни пайтда шарафли вазифа. Фуқароларнинг талаблари, истаклари, ҳоҳишлари ва ариза-шикоятларига бепарволик масъул ходимларга ҳеч қачон обрў келтирмаслигини унутмайлик.

Сафар ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ma`naviyat saboqlari

ДИЁНАТ

у инсонни юксакликка етаклайди, хиёнат эса заволга

(Давоми. Боши биринчи бетда)

ЭЪТИҚОД СОТИЛМАЙДИ

Диний эътиқодга хиёнат қилиш – катта гуноҳ. Бунинг кўринишлари турлича. Биз фақат биттасига тўхталиб ўтмоқчимиз. Агар эсингизда бўлса, тўқсонинчи йилларнинг бошида Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатларга турли мақсадлар билан ниқобланган миссионерлар кела бошлаганди. Улар турли ёрдам фондларини ташкил этиш, тил ўргатиш, хорижга иш ва ўқиш учун таклиф қилиш, айниқса, ёшлар ўртасида ғарбча турмуш тарзига қизиқиш уйғотадиган ҳар хил тадбирлар ўтказиш баҳонасида ўзларининг миссионерлик фаолиятларини амалга оширишга уринишганди. Яъни, ким ўз ота-боболари динидан воз кечиб, бошқа динга ўтса, 100-200 доллар тортиқ қилишди ва бошқа динга тарғиб қилувчи адабиёт, қўлланмаларни, ҳатто ҳужжатли ҳамда бадиий фильмларни бепул тарқатишди. Бундай ҳолат, айниқса, баъзи қўшни республикаларда жуда кучайиб кетганди. Натижада бу давлатларнинг ҳукуматлари кескин чоралар кўришга мажбур бўлган.

Иродаси бўш, қатъиятсиз, эътиқоди заиф айрим ёшлар, афсуски, бизда ҳам учрайди. Ўшанда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида бир йигит авлод-аждодининг динидан воз кечиб, бошқа динга ўтганлигидан хабарим бор. Маҳалла аҳли бу хиёнатни кечирмади, албатта. Одамлар хиёнаткорни яккалаб қўйиб, тўғри қилишди.

Ҳеч шубҳасиз, ота-боболаримиз дини биз учун муқаддас. Унга хиёнат қилганларни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам, жамият ҳам кечирмайди. Аниқроқ айтганда, биз ўзбекларда эътиқод сотилмайди.

ОТА-ОНА АЗОБ ТОРТАДИ

Мен яшайдиган маҳаллада бир танишим бор. Яхши инсон. Ўзи олим, лекин ўта камтарин. Ёши олтмишга бориб қолган. Бир куни ишдан келсам, эшик олдида истараси иссиқ бир момо билан ўтирибди. «Қўшни, танишинг, онам бўладилар, ёшлари саксондан ошган бўлса ҳам кўриб турибсиз, ҳали тетиклар, илоё умрлари узоқ бўлсин, шу пайтгача бошқа ўғиллари билан турган эдилар, энди мен билан турмоқчилар», — деди маҳалладошим. «Жуда яхши-да, илоё, онамизнинг ёшига етиб юрайлик», — дея мен ҳам ният қилдим.

Ишдан қайтиб келгач, ҳар куни эшик олдидаги ўриндикда ая билан суҳбатлашиб ўтираман. Кузатдим, негадир юраги сиқилиб, «уҳ» тортаверарди. Аянинг юрагини қандайдир пинҳона дард кемираётганини, қийнаб, азоб беришини сездим.

Ниҳоят, бир куни аянинг ўзи ёрилиб қолди. Воқеа мана бундай бўлган экан. Ая узоқ йиллардан буён ўзининг номидаги ҳовлида кенжа ўғли, келини ва неваралари билан бирга яшар экан. Бир куни кенжа ўғил: «Ойи, жуда қариб қолдингиз, уйни энди менинг номимга ўтказмасак бўлмайди, сиз дунёдан ўтгандан сўнг акаларим билан талашиб-тортишиб юраманми, манавии ҳужжатларга қўл қўйиб берақолинг», — дебди. Шунда она: «Қўл қўйдиришга бироз шошмай тур, мен ўлсам, барибир шу уй сенга қолади, буни акаларинг ҳам билади», дебди. Бундан тутоқиб кетган кенжа ўғил онани ҳовлидан қувиб чиқарибди. Она паноҳ излаб, катта ўғилникига келибди.

«Шу ростми?» — деб сўрадим маҳалладошимдан.

«Рост», — деди у. Шу тобда кимдир устимдан совуқ сув қуйгандек, этим жимирлаб, кўзим тиниб кетди. Ё тавба, бу қандай хиёнат?! Фарзанд учун муқаддас бўлган онага нисбатан-а!... «Аяжон, ўғлингизни барибир қарғаманг, агар қарғиш тегса, унинг аҳволини кўриб, ўзингиз чидай олмайсиз. Бундайларнинг жазосини Яратганнинг ўзи берсин!» — дедим. «Она қарғамайди, ўғлим бир куни бош эгиб келар, деб кутиб ўтирибман», — дейди ая.

Онани азобга қўйган бундай фарзанд ҳақида Ҳадиси Шарифда шундай дейилган: «Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин».

НОДОН ДЎСТ МУЛЗАМ ҚИЛАДИ

Сир эмас, ҳаётда дўстга хиёнат кўп учрайди. Одатда, иродасиз, мунофиқ, манфаатпараст, иккиюзламачи, қатъиятсиз одамлар хиёнатга мойил бўладилар. Бироқ улар ҳаётда буни очиқ намойиш қилмайдилар ва бировлар билан дўст тутинганда сохта қиёфага кириб, ўзларини садоқатли ва қатъиятли инсон қилиб кўрсатишга уринишади. Бундай кимсалар кўпинча вазиятдан келиб чиқиб, қиёфасини тез-тез ўзгартириб туради. Яъни, агар фойда тегадиган имконият туғилса, дўст сифатида атрофингда гирдикапалак бўлади, борди-ю, гап тегадиган вазият юзага келса, ўз айбини дўстига тўнкаб, виждонсизлик қилади. Унинг учун манфаат, мансаб-мартаба ҳамма нарсадан устун. Дўстини жарга итариб бўлса ҳам ўзи жон сақлаб қолаверади.

Хиёнаткор кимсада нафақат виждон, балки юз ҳам бўлмайди. Қилгуликни қилиб қўяди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ўзини сипо тутиб юраверади, ҳатто ўзини бечорасифат, мулойим, камтарин қилиб кўрсатишга уринади. Кўпчилик олдида мулозамат кўрсатиб ҳам қўяди. Хуллас, улар турли қиёфада намоён бўлади.

Дўстга хиёнат қилишга ундовчи энг ёмон сифат, назаримда, мунофиқликдир. Мунофиқ кимса вазиятдан келиб чиқиб, усталик билан дўстини душманга, аксинча, душманни дўстга айлантириб олиши мумкин. Бу вақтинчалик ҳолат, албатта. Агар вазият ўзгариб қолса, яна бир пасда тескарисига турланиб-тусланиб олади.

Бунга сабаб шуки, хиёнаткор таъмагирликка ўч бўлганлиги учун ҳам ана шундай ўзгарувчан вазиятдан жуда усталик билан фойдаланади. Яъни, ҳалол-пок ва тўғрисўз дўстидан ниқоб сифатида фойдаланади-да, ўзининг таъмагирлигини ва бошқа қинғир ишларини яширинча давом эттираверади. Охир-оқибат, хиёнаткор шу даражада тубанлашиб кетадики, ҳаром-хариш ишларга берилган одамлар билан дўстлашиб олади ва жон сақлаш, манфаат кўриш илинжида ялтоқланиб, уларнинг буюртмаларини бажара бошлайди. Бу уни инсон сифатида маънавий ҳалокатга етаклайди.

Ишонинг, хиёнаткор дўст ҳар қандай инсонни мулзам қилади.

Азизлар, умуман, хиёнатнинг барчаси — хоҳ у Ватанга ёки қавмга бўлсин, хоҳ омонатга ёки диний эътиқодга бўлсин, хоҳ ота-онага ёки дўстга бўлсин — охирги манзили маънавий ҳалокатдир. Буни асло унутмаслик, бундан эҳтиёт бўлиш ва сабоқ олиш шарт.

Иброҳим НОРМАТОВ

Huquqiy ma`rifat

ГАРОВ

мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули



Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари ривож топиб бораётган бир пайтда гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун фуқароларга уй-жой қуриш ёки шахсий автомашина сотиб олиш имкониятини яратиш мақсадида муддатли кредитлар берилаётирки, натижада нотариал идораларда гаров, ипотека шартномаларини расмийлаштириш ишлари кўлами ошмоқда.

1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги **«Гаров тўғрисида»**ги Қонуннинг 1-моддасида турли кўринишдаги шартномалар, яъни, заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш бўйича белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашда гаров шартномасини тузиш мумкин эканлиги кўрсатилган. Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланади, шунингдек, закалат, ипотека, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса, ипотека ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кўчмас мулк, уй-жойларни, квартира, дала-ҳовли, боғ-ҳовли ва гаражни, бошқа бино, иншоот ёки иморатни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар мулк рўйхатда бўлган жой бўйича нотариал тартибда тасдиқланади. Бу тартиб **«Нотариат тўғрисида»**ги Қонуннинг 44-моддаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»**ги қўлланманинг 83-бандида қайд этилган.

«Суд ва бошқа идоралар қарорларининг ижросини таъминлаш ҳақида»ги Қонуннинг 52-моддасига кўра, фуқароларнинг кундалик турмуши учун ўта зарур буюмлар, шунингдек, уй-жой ҳамда хонадонлар қарзини ундиришга қаратилмайди. Амалдаги **Фуқаролик кодексининг 272-моддаси,** 4-қисмига биноан, бино ёки иншоот ипотекасига бино ёки иншоотни гаровга берувчи шахс тегишли ер участкасининг эгаси ёки ижарага олувчиси бўлсагина йўл қўйилади. Ипотека шартномаси бўйича, фақат бино ёки иншоот гаровга берилаётган бўлса, ер участкаси ёхуд унинг ижара ҳуқуқи гаров предмети ҳисобланмайди. Бундай шартномага ҳақиқий бўлмаган битим, деб қаралади.

Амалдаги **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги Қонуннинг 16-моддасида фермер хўжалиги кредит олиш учун мол-мулкини, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиши мумкинлиги қайд этилган. Айтиш керакки, гаровга қўйилаётган мулк баҳоси мажбуриятни тўлиқ таъминлаш учун зарур бўлади. Шу сабабли, гаровга қўйилган ҳар бир мулкнинг қиммати аниқланган бўлиши лозим. Гаровга қўювчи банк муассасаси билан шартнома тузиши керак. Гаровнинг етарлилик даражаси эса, банк томонидан аниқланади. Шунинг учун шартнома тузилгунга қадар банк муассасаси қарз олувчининг қарзни тўлаш лаёқатини мустақил равишда кўриб чиқиши ва мулкнинг баҳоси шу кундаги баҳоларга мос келишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Банк муассасасидан кредит маблағи олган тадбиркорлик субъектларининг ҳаммаси ҳам кредит бўйича зиммасидаги мажбуриятини вақтида бажармайди. Чунки тадбиркорлик субъекти фаолиятида турли хил ҳолатлар юз бериши мумкин.

Нурия НОРМАТОВА,
ҳуқуқшунос



Пойтахт жамоли

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

«ҲАМАС» ЎЗ НОМЗОДИНИ КЎРСАТДИ

Маълумотларга қараганда, Фаластиндаги «Ҳамас» ҳаракати миллий бирлик ҳукумати раҳбарлигига айни пайтда лавозимини эгаллаб турган бош вазир Исмоил Ҳанийнинг номзодини кўрсатмоқда. Бу ҳақда «ҲАМАС»нинг расмий вакили Самий Абу Зуҳри маълумот берган.

Шунингдек, расмий ахборотларда эътироф этилишича, душанба куни Исмоил Ҳаний ва Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос ўртасида бўлиб ўтган учрашувда мамлакат умуммиллий яхлитлигини тиклаш борасидаги муаммоли масалалар муҳокама қилинган. Учрашувда Фаластин миллий маъмурияти раҳбари «тез кунда миллий бирлик ҳукумати таркибини ислоҳ қилиш лозим» эканлигига алоҳида урғу берган.

РИА «Новости» ахборот агентлигининг тарқатган маълумотларда «ҲАМАС» ҳаракати ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда жиддий муаммоларга дуч келаётгани қайд этилган. Бир қатор ғарб мамлакатлари ва Исроил томонидан эълон қилинган иқтисодий қамал туфайли Фаластин ҳукумати хизматчиларининг маошини ўз вақтида тўлай олмаётгани ҳам журналистларнинг назаридан четда қолмаган. Маошларнинг ўз вақтида берилмаслиги эса ўз навбатида аҳолининг ҳақли норозилигига ва оммавий иш ташлашларга сабаб бўлмоқда. Лекин миллий бирлик ҳукумати таркибида ўзгаришлар юз бергач, халқаро ташкилотларнинг Фаластинликларга ёрдам бериши кутилмоқда.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайннинг устидан олиб борилаётган суд жараёни давом этмоқда. Душанба куни Саддам Ҳусайн ва унинг олти нафар шериги 80-йилларнинг охирида Ироқ ҳудудида яшаган курдларга қарши ўтказилган қирғин бўйича сўроқ қилинди. Лекин Саддам Ҳусайн кутилмаганда Ироқнинг миллий байроғи ҳақида гапириб кетди. Жумладан, у шундай деди:

–Ҳозир сизнинг орқангизда турган байроқ бизга мамлакатимиз тарихидан эсдалик. Уни мен ўйлаб топмаганман. Мен сизлар билан ҳозир тарихчи сифатида сўзлашаяпман. «Анфаль» операцияси (1987-1988 йиллар) Ироқ давлат байроғи остида ўтказилмаган...

Саддам Ҳусайн яна беш дақиқа давомида тинимсиз гапирди. Лекин кутилмаганда судья микрафонни ўчириб қўйгани сабабли, суд жараёнида қатнашаётган журналистлар унинг фикрларини эшита олишмади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, сентябр ойининг бошида Ироқнинг Курдистон раҳбари Масъуд Барзан ҳукумат идораларидаги барча Ироқ байроқларини курд байроқларига алмаштириш таклифи билан чиққан эди. Курд байроғида учта ранг – қизил, оқ ва яшил ранг жой олган бўлиб, унинг марказида қуёшнинг тасвири бор.

Эслатиб ўтамиз, 2003 йилда ҳам мамлакат муваққат ҳукумати раҳбарияти Ироқ байроғини ўзгартириш таклифи билан чиққан эди. Ўшанда янгилик тарафдорлари Ироқ байроғидаги қизил, оқ ва қора ранг ҳамда яшил юлдузчалар, Саддам Ҳусайн ўз қўли билан ёзган (Аллоҳу Акбар) сўзларни ўзгартириб, кўк, сариқ ранг ва ярим ой шаклини чизишни таклиф қилишганди. Лекин бу режа Ироқ халқининг кескин норозилиги туфайли амалга ошмай қолганди.

ИРОҚДА ЯНА ПОРТЛАШ

11 сентябр куни террорчи-камекадзе Ироқ пойтахти Боғдод шаҳри марказида «Киа» русумли микроавтобусни

портлатиб юборди. Портлаш оқибатида 13 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлди ва 7 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Энг ачинарлиси шундаки, микроавтобусда никоҳдан ўтиш учун отланган ёш келин-куёв ва уларнинг яқин дўстлари бўлган, деб хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.

ЯНА «АЛ-ҚОИДА» ҲАҚИДА

Куни кеча Филиппин ҳукумат қўшинлари томонидан мамлакат жанубида жойлашган Холо оролида «Абу-Сайяф» террорчилик ҳаракатига қарши ҳарбий тадбир ўтказилди. Филиппин ҳарбий кучларининг ғарбий қўшинлари қўмондони, генерал-майор Эугенио Седонинг айтишига қараганда, тадбир жараёнида «Ал-Қоида» террорчилик ҳаракатига тегишли тўрт дона компакт-диск ҳам топилган. Компакт-дискларда «Ал-Қоида» террорчилик ҳаракатининг жангарилар тайёрлаш хусусидаги йўриқномаси ва ҳаракатнинг ҳарбий ҳамда ҳарбий бўлмаган фуқаролар орасидаги аъзолари рўйхати қайд этилган экан.

Шунингдек, компакт-дискларда Филиппин жанубида «Ал-Қоида» жангариларини тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган режа ҳам акс этган. Айни пайтда Филиппин ҳуқуқ-тартибот идоралари компакт-дискда ёзилган маълумотларни ўрганишга киришган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Филиппин ҳукумати ҳарбий кучларининг саккиз батальони шу йилнинг 1 августидан «Абу-Сайяф» террорчиларига қарши жиддий ҳарбий тадбирларни бошлаб юборган эди. Расмий маълумотларга қараганда, айни вақтда Холо оролларида тахминан 200 нафарга яқин «Абу-Сайяф» террорчилик гуруҳи аъзолари яширинган бўлиши мумкин.

Изоҳ: «Ал-Қоида» жангарилари 2004 йил Филиппинда ҳам мудҳиш террорчилик актини содир этган эди. Ўшанда «Ал-Қоида» жангарилари томонидан «Суперферри-14» пароминнинг портлатиб юборилиши натижасида 200 нафардан ортиқ бегуноҳ фуқаролар қурбон бўлганди.

Интернет материаллари асосида Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади

Залга ҳамма йиғилиб, осойишталик посбонлари судланувчини олиб киргач, суд мажлиси бошланди. Судланувчи бир нафар фарзанднинг отаси Мансур Халилов. У эндигина 23 ёшга кирган (исм-шарифи ўзгартирилган) басавлат ва бақувват йигит. Уни танимаган, киши: «Шундай келишган йигит нима «ҳунар» кўрсатди экан?», дея ҳайрон бўлиши табиий.

Taassuf

ФИРИБГАРНИНГ ТУЗОҒИ

Гап шундаки, Мансур анчадан бери Қўқон шаҳридаги «Мастона» бозорида автомобиль эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланиб юрарди. У савдони Данғара туман ҳокимлиги томонидан Тоҳиржонга берилган рухсатнома орқали юргизиб келган, кундалик турмуши ҳам бинойидек ўтиб турган. Бироқ Мансур топаётган ҳалол луқмасига қаноат қилмай, ўзини фирибгарлик йўлига уради. У 2004 йил 5 ноябрь куни эски таниши Шуҳрат Қобилов орқали фуқаро Носир Эргашев билан танишди.

— Менинг корхона ва ташкилотларга катта миқдорда автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб берувчи фирмам бор, — дейди М.Халилов. — Сизга истаганча эҳтиёт қисмларни арзон нархда келтириб беришим мумкин.

Бундай манфаатли таклиф Носирга маъқул тушади ва у 5.000.000 сўм пулни санаб, Мансурнинг қўлига тутқазади. Мансур эртаси куниёқ бу пулга «Жигули» автомашинасининг эҳтиёт қисмларини олиб келиб бериб, Носиржоннинг ҳам, Шуҳратнинг ҳам ишончини қозонади.

Аслида бу Мансурнинг фирибгарлик йўлидаги бир ҳийласи эди, холос. Шу зайл, у «мижоз»нинг ишончига кириб оларди. Бинобарин, орадан икки-уч кун ўтиб, Мансур яна Носиржоннинг эшигида пайдо бўлади.

— Москвадан янги товар келяпти, опқолинг, — дея «рол»га киради у, — бир-икки кунда етиб келади. Улгуржи олсангиз, арзонроқ қилиб бераман.

Мансур Носиржондан ундирган 9.500.000 сўмнинг 3.050.000 сўмига эҳтиёт қисмларни айтилган пайтида келтириб беради.

Табиийки, Носиржон Мансур етказиб берган товарларни сотиб, мўмайгина даромад олгач, у билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга киришади. Бу эса, Мансурга жуда қўл келади: у Носиржоннинг накд 20.350.000 сўм пулини қўлга киритади. Гарчи илгариги олди-бердидан унинг 6.450.000 сўм қарзи бўлса-да, Носиржон унга шунча пулни иккиланмай санаб беради. Мансур эса 11.550.000 сўмлик эҳтиёт қисмларни олиб келиб беради-ю, бироқ қолган қарзини узишга шошилмайди. Аксинча, Носиржондан яна пул сўрайди.

— Россиядан келадиган «запчаст»ларни сотиб, пулингизни айлантириб турсам дегандим. Фойдасидан сизни ҳам қуруқ қўймайман.

Афсуски, Мансурнинг шум ниятини пайқамаган Носиржон унинг қўлига тағин оз эмас, кўп эмас 30.000 АҚШ долларини тутқазади. Шу тариқа, Мансур ундан 62.158.400 сўм қарздор бўлиб қолди, лекин у бу пулларни ёки шунча сўмлик эҳтиёт қисмларни олиб келиб беришни «унутиб» қўйди.

Бу орада Мансур Шуҳратнинг ўзини ҳам «чув» туширишга улгуради.

— Тезда каттароқ пул топиш керак, — дейди у бир кун Шуҳратникига ҳовлиқиб келиб, — товар келяпти. Сизга арзон нархда бераман.

Алдовга лаққа тушган Шуҳрат аввалига 4.700.000 сўм, кейин эса яна 9.000.000 сўм пулни Мансурнинг қўлига тутқазади. Бироқ Мансур қуруқ ваъдадан нарига ўтмайди.

Навбатдаги «ўлжа» эса, Мансурга гўё осмондан тушди: Сайфиддин Жўраевнинг арзон нархда эҳтиёт қисмлар сотиб олмоқчилигини эшитиб, уни қидириб топди.

— «Волга»нинг «кольцо»лари бор. Ўшандан беришим мумкин, — деди у Сайфиддинга.

— Арзонроқ берсангиз оламан, — гапни чўрт кесди харидор.

Улар «кольцо»нинг ҳар бир донасини 4.400 сўмдан баҳолашади. Мансур Сайфиддиннинг ҳам 4.400.000 сўм

пулини олиб кетди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Мансур Сайфиддиндан бу эҳтиёт қисмларнинг 800 тасини қайтариб олиб кетди. Чунки у келгунча Сайфиддин эҳтиёт қисмларнинг 200 тасини сотишга улгурганди. Қизиғи шундаки, Мансур кетаётиб Сайфиддиннинг уйида турган 80 дона 3.040.000 сўмлик «МТЗ-80» тракторининг сув қўтаргичларини кўз остига олиб қўйганди.

— Буларни сотиб, ўн беш кун ичида пулингизни қайтараман, – деди у Сайфиддинга.

Бу сўзлар «қурук» ваъда эканини ўша пайтда хаёлига ҳам келтирмаган Сайфиддин сув кўтаргичларни «ҳамкор»ининг қўлига тутқазди. Бу ҳали ҳолва экан: Мансур кейинги бир ҳафта ичида Сайфиддинни яна 11.025.000 сўмга «чув» тушириб кетди. Бироқ Сайфиддин бўш-баёвлигига бориб, бировга оғиз очмади. Бу эса, М.Халилов учун айни муддао эдики, у «фаолиятини жонлантириб» юборди. Даврон Ҳасановнинг 17.963.210 сўмлик эҳтиёт қисмларини, Элмурод Азизовнинг эса 9.250.000 сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритди. Шу тариқа Мансур «атиги» 120.586.000 сўм «ишлади».

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейди доно халқимиз. Мансурнинг пулларни ёки эҳтиёт қисмларини қайтаришни хаёлига келтирмаётгани «ҳамкор»ларини ташвишга солди, фирибгар эса қуюқ ваъда беришдан нарига ўтмади. Охир-оқибат, жабрланувчилар ҳуқукни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлишди.

Тергов жараёнида М.Халилов ўз қилмишларига иқрор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукми билан унга нисбатан қонуний жазо тайинланди ва жабрланувчиларга қайтарилмаган 108.225.800 сўм пул ҳамда эҳтиёт қисмлар ундириладиган бўлди.

Инсоннинг энг ёвуз душмани – бу унинг нафсидир, деб бежиз айтишмаган. Нафс — бамисоли лаҳм гўшт қўйилган қопқонга ўхшайди. Афсуски, инчунун тотли, аммо интиҳоси аянчли чангалига тушиб қолган «қаҳрамон»имиз буни ҳис қилмади ёки тан олиси келмади. Оқибатда...

Суд мажлисида маълум бўлишича, М.Халиловнинг фирибига алданган, аммо тергов идораларига келиб, кўрсатма беришдан ийманган «ориятли» кишилар ҳам бор экан. Хўш, уларнинг бундай муносабатини қандай баҳолаш мумкин?

Таъкидлаш лозимки, бугун ҳам орамизда Мансурга ўхшаб, фирибгарликни ўзига касб қилиб олган ва ҳамон бу «ҳунар»идан ўзини тиёлмаётган кимсалар йўқ эмас. Ўйлаймизки, биз юқорида ҳикоя қилган воқеалар кўпчиликни эътиборли бўлишга, ҳамкорликнинг холис, ҳалол йўлларидан юришга ундайди.

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ,
ҳуқуқшунос,
Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jinoyat va jazo

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

Умр ўлчовли. Кимдир умрни тошқин дарёга қиёсласа, яна биров уни шамолдек югурик, дейди. Замондош шоирларимиздан бири эса умрни киприкда қўниб турган бир томчи кўз ёшига ўхшаттан экан. Ушбу томчининг киприкдан узилиб кетиши учун эса сонияннинг мингдан бир улуши кифоя қилади. Ана шу сонияларнинг инсон ҳаётини, унинг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар ким бу ҳаётда ортидан ном қолдириб кетади, албатта. Кимдир яхши, яна биров эса ёмон ном. Минг афсуски, ҳаётда беш қўл баробар бўлмагани каби, ёмон одамлар ҳам учраб туради. Яна афсусланарли жойи шундаки, айримлар нафақат ўзлари, балки теварак-атрофдагиларнинг ҳам ҳаётига оғу солишади. Бугун яна шундай кимсалардан бирининг қора қилмишлари ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик. Зора, бу воқеа кимгадир сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Суд очерки

Рашид Ҳожиев умр довонининг қирқинчи зинасини ҳатлаган бўлсада, ўзи яшаб турган жамият ёки атрофдагилар учун заррача нафи тегадиган иш қилмаган. Гоҳи-гоҳида инсон ўтган умрини сарҳисоб қилиб, амалга оширган эзгу ишлари, ушалган орзуларидан кўнгли тўлса, бундан руҳланиб, яна-да яхшироқ яшашга ҳаракат қилади. Агар ҳаётида бирор-бир эзгу ишга қўл урмаган бўлса-чи? Унда инсоннинг умри елга совурилган ҳисобланади. Афсуски, Рашид Ҳожиев ҳам ўзига берилган умрни елга совурган беҳтоллардан бири. Чунки у бугун ортига боқиб, ўтган умрига назар соладиган бўлса, унда муқаддам икки марта судланганию, муттасил ичкилик ичиб юриши, доимо ўзгалар кўнглини хира қилиб яшаганидан бошқа нарсани кўрмайди.

Одатда, инсон боласи ҳаёт сўқмоғида бир-икки қоқилгандан кейин ўзини ўнглаб олади. Бошига тушган кўргуликлардан тегишли хулоса чиқариб, тўғри йўлни танлашга ҳаракат қилади. Рашид Ҳожиев эса икки марта қора курсига ўтириб ҳам кўзи очилмади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza uchun mavzu

ИНСОФ

Ўзаро мулоқотлар чоғида инсоф, деган иборани кўп ишлатамиз. Масалан, кимнидир "яхши одам, инсофи бор", десак, яна бошқа бировни қайсидир қилмиши учун инсофсизликда айблаймиз. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, одамнинг инсофлилик даражасига қараб, яхши ёки ёмон, деган тонфага ажратиш мумкин экан. Албатта, бундай қатъий хулосага келишимиз бежизга эмас. Чунки қадим шарқда азал-азалдан инсоф, диёнат ва адолат каби фазилатлар инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг умр йўлини безаб турувчи гултожи саналган. Бу ҳақда муқаддас китобларда ибратли фикрлар қайд этилган. Қолаверса, ота-боболаримиз "инсофи борнинг баракаси бор", деб бекорга айтишмаган.

Асосий мақсадга ўтишдан аввал бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Жаҳоннинг бирор-бир мамлакатида ўзбекнинг бозоридек тўкин ва арзон бозор йўқ. Айниқса, истиқлол йилларида барча жабҳаларда бўлганидек, мамлакатимиздаги деярли барча бозорлар қайта қурилди. Шарқона услубда янгидан бунёд қилинган бозорларда сотувчи-ю харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Бугун Ўзбекистоннинг хоҳлаган бозорини оралаб кўринг, тўкинчилик ва арзончиликни кўриб, дилингиз яйрайди. Яна денг, ўзингиз танлаб, саралаб, нархини ҳам талашиб-тортишиб оласиз.

Афсуски, бугун бозорлардаги айрим сотувчилар мана шу оддийгина ҳақиқатни унутиб қўяётганга ўхшайдилар. Қуйида ўзимиз гувоҳ бўлган ана шундай воқеаларга тўхталишни лозим топдик.

Байрам арафасида икки-уч улфат чойхонада бир отамлашиш мақсадида бозорлик қилишга келишдик. Одатдагидек, аввал гўшт растасини ораладик. Растада мол гўшти, қўй гўшти, ёғлиқ гўшт, ёғсиз гўшт, хуллас, нимаики истасангиз, бари-бари муҳайё. Қассобларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қай бир қассоб харидор чақирган, яна қай бири гўшт майдалаган. Бир сўз билан айтганда, растада қаёт қайнайди. Гўштни яхшироқ биладиган дўстларимиздан бири келишгангина йигитнинг олдида турган маҳсулотга харидор бўлди.

— Гўшт қанчадан бўлди, – сўради у.

— Килоси 3200 сўм, – жавоб қайтарди қассоб йигит.

— Тарозини тўғрилаб, кейин икки кило торт, – деди шеригимга.

— Унда килосига 4000 сўмдан берасиз, – деди қассоб...

Ҳайрон бўлиб шеригимдан сўрадим.

— Нега қассоб ҳозиргина ўз оғзи билан бир килоси 3200 сўм деган гўштни бирданига 4000 сўмга чиқариб юборди?

У бир менга, бир гўштга, бир қассобга қараб деди:

— Оғайни, 3200 сўмга бир кило гўшт сотишмайди булар. Бир кило, деб тортиб берган гўшти нари борса, 750-800 грамм чиқади. Шунинг учун ҳам 4000 сўмдан бўлса ҳам килосини тўғрилаб олиш керак...

Агар кўчада кимдир чўнтагимизга қўл суқиб, 100 сўм пулимизни ўмарса, "дод" соламиз. Борди-ю ўғри қўлга тушиб қолса, шубҳасиз, унга қонуний жазо чораси қўлланилади. Буни қарангки, бозорда ёшгина қассоб йигитча кўзингизга тик қараб, ҳеч бир уялмайнетмай чўнтагингиздан 800 сўмни ўмараяпти.

Энди шу ўринда ўзингиз бир мулоҳаза юритиб кўринг. 800 сўм – бу бир кило гўштдан уриб қолинаётган пул. Энди ана шу 800 сўмни ўн кило, юз кило... ва ҳоказо, ҳоказога кўпайтириб кўринг.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бозорларда савдо қилаётган барча қассобларни бирдек айблаш фикридан йироқмиз. Зеро, уларнинг орасида ҳам ҳалол, тарозига, демакки, харидорнинг ҳақкига хиёнат қилишдан қўрқадиганлари кўпчиликни ташкил қилади. Шу билан бирга юқоридагидек инсофсиз, бировнинг ҳақидан қўрқмайдиганлари ҳам учраб туради.

БИР ХИЛ СИФАТ, ИККИ ХИЛ НАРХ

Мақоламиз аввалида таъкидлаб ўтганимиздек, дунёнинг бирор-бир мамлакатида ўзбекнинг бозоридек тўкин бозор йўқ. Сабзавотлар растасини оралаб юрар эканмиз, худди бир қолипдан чиққандек чиройли картошкалар эътиборимизни тортди. Лекин энг таажжубланарлиси, кўриниши, нави бир хил картошкаларнинг нархи икки хил экан. Ерда ўтириб сотаётганлар картошкани ҳар бир килосини 250 сўмдан пуллашаяпти. Тим остидагиларда эса айнан ана шу навдаги ва сифатдаги картошканинг нархи 300 сўм. Ҳали ҳайратимиз саволга айланиб улгурмасдан туриб, ёнгинамизда кутилмаганда можаро бошланиб қолди. Зиёлинамо кийинган кексароқ киши бозор халтасидаги чамаси, ўн, ўн беш кило картошкани бир аёлнинг олдига отиб юбориб, бақириб кетди.

— Шунчалик ҳам ноинсоф бўласизми, сиздан олган ўн беш кило картошкам базўр ўн икки кило тош босаяпти...

Буни қарангки, ҳалигина ҳалимдек мулойим бўлиб турган аёл бирданига картошкани қайтариб олиб келган зиёлинамо кишининг ёқасидан олиб, ақоҳаннос солди. Картошка сотувчи аёлнинг гап-сўзларига қараганда, харидор харид қилган картошкасидан бир қисмини қаергадир яшириб келиб, унга туҳмат қилаётган экан.

Шундан сўнг тим остидаги картошканинг ҳар бир килосини 300 сўмдан сотиб олар эканмиз, секингина сотувчи опадан сўрадим.

— Нахотки, шундай одам муттаҳам бўлса? Кўринишидан дуппа-дуруст киши. Арзимаган уч кило картошка учун бундай пасткашликка бормаса керак?

Сотувчи опа менга андаккина ҳайрат билан нигоҳ ташлаб, саволимга жавоб берди.

— Нима, сиз бозорга биринчи марта оралашингизми? Ахир, улгуржи бозордан 250 сўмдан олинган картошка ҳам ҳеч вақтда яна 250 сўмдан сотиладими? 250 сўмдан олиб яна 250 сўмдан сотиш учун ё тарозидан уриш керак ёки олибсотар ахмоқ бўлиши керак. Булар тарозидан уришади. Бировнинг ҳақидан қўрқишмайди. Агар бир-ярим харидор ҳақини талаб қилиб қолса, ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, шаллақилик қилишади. Энг ёмони, бозордаги ана шундай уч-тўрт ноинсофнинг касрига харидорлар бошқа сотувчиларга нисбатан ҳам ишончини йўқотади.

Тўғриси, сотувчи аёлнинг мантиқли фикрига қарши бирор-бир гап айтишга ожизлик қилдик. Юқоридаги можаро юзасидан ҳам бирор-бир фикр айтиш ниятида эмасмиз. Чунки бу ўринда ким ҳақ ёки ким ноҳақ, деган масала юзасидан баҳслашиш, худди икки карра икки тўртлигини яна бир маротаба исботлашдек гап бўлар эди. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ечимини ўқувчининг ўзига қолдирамиз.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бозорларимизда ҳалол, ўз пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотни шаҳарликлар дастурхонига етказиб бераётган танти деҳқонларимиз, сотувчиларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Лекин улар орасида ҳам юқорида ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, тарозидан урувчи, бировнинг ҳаққидан қўрқмайдиган, баъзи учар олибсотарлар учрайдики, бозорлар маъмурияти, қолаверса, бошқа мутасадди идоралар вакиллари тезда бу иллатнинг олдини олишлари лозим. Қолаверса, бундай салбий ҳолатларга чек қўйишга барчамиз бирдек жон койитишимиз, бу вазифа фалон идоранинг ваколатига киради, деб томошабин бўлиб турмаслигимиз керак. Ана шундагина бозор, сотувчи, харидор ва тарози масаласи ҳам ўз ечимини топади.

Мақолага нуқта қўйишдан аввал ўзим ёшлигимда гувоҳ бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Бир гал момом билан бозорга тушдик. Тасодифан сотувчи билан харидорнинг тарози масаласида тортишиб турганига гувоҳ бўлиб қолдик. Сотувчи тарозининг тўғрилигини таъкидласа, харидор олган маҳсулоти камлигидан нолирди. Шунда момом шундай деган эди:

— Болам, боболаримиз "тарози рози – худо рози", деган мақолни бекорга айтишмаган. Қолаверса, "тарозидан урган сотувчини худо уради", деган ҳикмат ҳам бор. Қиммат сотсанг сот-у, лекин тарозидан урма. Мусулмончиликда тарозидан уриш гуноҳи кабиралар сирасига киради. Энг ёмони, тарозидан уриб топилган бойлик ҳеч кимга буюрмаган ва буюрмайди ҳам. Аслида "инсофи борнинг баракаси бор", деган нақлнинг маъноси ҳам шу...

Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай, азиз газетхон?

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Sirli dunyo

Яқинда «Мир новостей» газетасида эълон қилинган Виталий Словецкийнинг «Кровавая тайна перевала Дятлова» номли мақоласида келтирилишича, 1959 йилда тўққиз нафар ёш, ўта қизиққон Урал техника университети талабаларининг довондаги сирли ҳалокати ҳақида маҳаллий аҳоли орасида турли хил «миш-миш»лар болалагандан-болалади. Лекин тўққиз нафар талабанинг сирли ўлими сабабини на ўшанда, на ҳозир ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Бу сирли ҳодисанинг содир бўлганига бу йил роппа-роса эллик йил тўлди...

ДЯТЛОВ ДОВОНИ СИРИ

Маҳаллий аҳолининг фикрига қараганда, ваҳший маъбуда Сорни-Най доимо ўлжа кутиб яшайди. Негадир у ҳамиша тўққизликдан иборат қурбон талаб қилади. Довонликлар вақти-вақти билан унга тўққиз балиқ, тўққиз ғоз, тўққиз буғу каби тўққизта жонликни аташади. Шунинг учун ҳам довон аҳли тўққиз нафар ёш овчилар унинг қурбонига айланганига шубҳа қилишмайди.

Довон одамлари тасаввурида маъбуда ўзининг шериклари билан тўққиз нафар қурбонликнинг жонини ўтга солиб қийнайди, токи тўққиз арвоҳ таслим бўлиб, маъбудалар яшаши учун уларга қувват бўлсин. Аввалари маҳаллий аҳоли буғу ёки бошқа ҳайвонларни қурбонликка келтириб туришган. Кейинчалик эса қурбонлик олиб борувчилар сони камайган. Шунинг учун ҳам маъбудалар ўз «эҳтиёж»ларини қондириш учун ўзлари ўлжа қидиришга "мажбур" бўлишган.

Айтишларича, фожиа юз берган куни кекса манси (довонликлар роҳиби) ҳалокатга учраган тўққиз нафар талаба ҳамда свердловсклик сайёҳларни огоҳлантирган. 1079 метр баландликдаги Холат-Сяхил тепалигини манси «ўлимлар тоғи», деб атаган. Ҳар ҳолда сайёҳлар таваккал қилишни исташмаган. Лекин талабалар кекса мансининг устидан кулишган. Бу гаплар шунчаки афсона, деган ўйга боришган. Тўққиз нафар талабанинг сирли ўлимидан сўнг фожиа юз берган қояни "ўлимлар тоғи", деб аташади.

Ўшанда кекса манси тўққиз нафар талабага «У ерга зинҳор бора кўрманглар, сизларни Сорни-Най ўз комига тортиб кетади», дея қайта-қайта уқтирган. Аммо қони қайнаб турган, бунинг устига саргузаштга ўч ёшлар кекса мансининг сўзларига истеҳзо билан қарашган. Хуллас, уларни Холат-Сяхил тоғига кўтарилиш мақсадидан ҳеч ким қайтара олмаган.

СИРЛИ ШАБАДА

Фожиа содир бўлганига эллик йил тўлибдики, ҳамон тадқиқотчилар аниқ бир хулосага кела олишмаяпти. Бу орада яна қанча-қанча инсонлар "ўлимлар тоғи"нинг қурбонига айланишди. Тўққиз нафар талабанинг сирли ўлимига эллик йил тўлаётганига қарамай, бу борада очилган жиноий иш ҳамон ёпилгани йўқ. Текширувлар, суриштирув ишлари давом этмоқда. Эллик йил давомида олиб борилган тадқиқотлар натижаси давлат архивида сақланади. Лекин қизиғи шундаки, архив материалларига «мутлақо махфий», деган тамға босилган.

Орадан уч йил ўтиб, аниқроғи, 1959 йилнинг 22 январида яна Урал техника университетининг беш нафар талабаси: Игорь Дятлов, Юрий Дорошенко, Людмила Дубинина, Александр Колеватов ҳамда Зинаида Колмогорова чанғида 300 километр масофани босиб ўтиб, "ўлимлар тоғи"га кўтарилишади. Улар бу масофани 22 кун мобайнида босиб ўтишни режалаштиришади. Кутилмаганда Зинаида Колмогоровани заҳарли илон чақиб олади. Дўстлари унинг ҳаётини бир амаллаб сақлаб қолишади. Ўрмончилар оиласи талаба қизни турли гиёҳлар ёрдамида бир неча кун даволайди. Сайёҳларга бош бўлган Урал техника университети радио-техника факультетининг 5-босқич талабаси Игорь Дятлов жуда довюрак ҳамда бақувват йигит эди. Бунинг устига у бу ерларнинг харитасини сув қилиб, ичиб юборганди. Шунинг учун ҳам сайёҳлар уни ўзларига йўлбошчи қилиб сайлашади. Тоғ томон отланган талабалар кучли шамолга дуч келишади. Лекин шамолнинг қайси томондан эсаётгани номаълум эди. Мутахассисларнинг фикрича, шамол Холат-Сяхил томондан эсган эмиш. Нима бўлганда ҳам, талабалар ўзлари кўзлаган маррани забт этишади. Тунда Холат-Сяхил тепалигида тамадди қилмоқчи бўлганларида бирдан қандайдир номаълум куч уларни қўрқитиб юборади ва бешовлон беш томонга қоча бошлайди...

Шу тариқа улар ҳам сирли равишда ғойиб бўлишган. Свердловск ички ишлар бошқармаси ходимлари, қутқарув хизмати вакиллари уларни самолётлар ва вертолётларда қидиришади. Фақат орадан беш кун ўтгач, қидирувчилар йиртилиб ётган чодирлар ва озиқ-овқат қолдиқларига дуч келишади. Яна бир неча кун ўтиб эса, беш нафар талабанинг музлаган мурдасини қор остидан топишади. Текширувлар натижаси шуни кўрсатадики, негадир талабалар чодирга киришмаган. Гулхан ёқиб, ташқарида тунашган. Чодирдан бир неча одим нарида Зинанинг жасади ётарди. Экспертларнинг хулосасига кўра, улар совуқдан ҳалок бўлишган. Фақатгина бир жасаднинг бош чаноғи шикастланган аниқланган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна шу "худо қарғаган" жойдан тўрт нафар мурда топилади. Улар текшириб кўрилганда қаттиқ жисм билан урилгани натижасида ички аъзолар оғир жароҳатланган аниқланади. Энг ачинарлиси, уларнинг таналарида бирорта ҳам соғ суяк қолмаган эди...

Бу фожиаларнинг барчаси халқ орасида яна турли-туман «миш-миш»ларнинг урчишига сабаб бўлади. Давлат идоралари эса ўзларини гўёки бу фожиаларнинг илдизини аниқлаётгандек қилиб кўрсатар, негадир тоғда сирли қурбон бўлганларнинг жасадлари қариндош-уруғларига берилмас, жасадларни шахсан Свердловск шаҳар прокурори бош-қош бўлиб, ёқиб юборишарди. Яна ажабланарлиси шундаки, содир бўлган фожиа ҳақида шўро матбуоти бир сатр ахборот ҳам эълон қилмайди. Сирли воқеани ўрганиш комиссияси аъзолари КПСС марказий қўмитаси назоратида бўлиб, бу ҳақдаги барча маълумотлар «мутлақо махфий» тамғаси остида сақланган. Фақатгина «миш-миш»лар кўпайиб кетгач, ҳукумат вакиллари бу фожиа сайёҳларнинг эҳтиётсизлиги туфайли содир бўлганини айтишади.

ТАХМИНЛАР

Бу мудҳиш воқеа юзасидан дятловликларнинг ўзлари ўндан ортиқ тахминларни келтиришади. Бу ҳақда ҳатто бадиий расмлар ҳам ишланган. Қисқаси, тахминлар жуда кўп бўлиб, одамлар уларни афсонага ҳам айлантириб юборишган. Лекин ушбу афсоналарнинг иккитаси бир оз бўлса-да, ҳақиқатга яқинроқ.

Гўёки, биринчи фожиага учраган сайёҳлар илоҳий жойга бориб қолиб, ханти-мансилар тинчлигини бузгани сабабли шаманлар томонидан шафқатсизларча жазоланган. Улар сайёҳларнинг кўзларини ўйиб олиб, бошларини танасидан жудо қилиб, ўзларини эса ўтда куйдирганлар. Суякларидан эса ўқ-ёй ясашган эмиш.

Иккинчи тахминга кўра эса, сайёҳлар тасодифан хазина сақланадиган ғорга кириб қолган ва ғор қўриқчилари томонидан ваҳшийларча ўлдирилган. Ушбу тахмин асосида Сергей Алексеев «Велкирий хазинаси» номли роман ҳам ёзган. Романда эътироф этилишича, қорликлар Аркидаси Урал тоғларининг бебаҳо бойликларини қўриқлайди.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек, маҳаллий аҳоли ўртасида авж олган турли «миш-миш» ва гап-сўзлар чет элларга чиқиб кетишидан хавфсираган ҳукумат гўё бу воқеа юзасидан текширув олиб бораётгандай бўлиб, қандайдир хулосалардан дятловликларни бохабар қилиб туришга мажбур бўлади. Давлат назорат идоралари томонидан бир неча шаман сўроқ қилиниб, ушбу ишда айбни уларнинг бўйнига қўймоқчи бўлишади. Аммо бу наф бермайди.

Айтганча, ғаройиботга ишонадиганлар тилида яна бир гап юради. Гўёки, сайёҳ-талабалар шаманларнинг муқаддас чодирларини топташган. Шаман эса уларни бундай қилмасликка чақирган. Талабалар эса кекса шаманни масхара қилиб, қўнғлини ранжитганлар. Шундан кейин манси улар ичаётган чойга илоҳий дам солади. Чойни ичган сайёҳлар кутилмаганда будданинг ҳайқириғидан чўчиб, қочаётганларида музга айланиб қолишади. Тегишли идоралар шаманларни бу жиноятларда айблашга қанчалик уринмасин, текширилган архив ҳужжатлари маҳаллий аҳолининг бағрикенг ва меҳмондўст халқ эканини исботлаб турибди. Улар ҳамиша сайёҳларнинг иззатини жойига қўйишган: бошпана, озиқ-овқат берганлар, ҳатто тиббий ёрдам ҳам кўрсатганлар. Мустақил тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, довон аҳлини ёвуз ишларда айблаш ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди.

Аниқ текширувлар натижасининг учинчи тахмини эса, бу сирли ҳодисани умуман бошқача изоҳлайди. Инженер Виктор Табариновнинг фикрига қараганда, ердан кўтарилган шамол қояларга урилиб, то тоғ чўққисигача кўтарилиши натижасида кучли инфратовуш ҳосил бўлади. Ушбу ғайритабиий шамол чиқарган овоз ҳар қандай инсоннинг кўзини кўр қилиб, шамол марказига тушиб қолган одамларнинг суяклари майдаланиб кетади. Энг асосийси, шамол йўлига дуч келган инсоннинг ўраги уришдан тўхтайди. Аммо бу тахмин ўзини оқламади. Чунки воқеа жойидаги жасадлар танасидаги жароҳатлар жуда бошқача эди.

Тўртинчи тахмин эса қуйидагича: тадқиқотчилар Владимир Рябков, Елена Каськиналар қўпдан бери бу борада илмий изланишлар олиб борадилар. Уларнинг фикрига қараганда, сайёҳлар харита жиҳатидан Уралнинг поляр нуқтасига келиб қолганлар. У ер кучли радиация зонаси ҳисобланади. Шу туфайли улар фожиа қурбонларига айланган бўлиши мумкин...

«ТОЗАЛАШ» ОПЕРАЦИЯСИ

Навбатдаги тахмин яқинда ўртага ташланди. Уни екатеринбурглик сайёҳ Юрий Кузнецов илгари сурган бўлиб, тадқиқот материалларида ёзилишича, табиат ҳеч қачон одамзодга бундай жароҳат етказиши мумкин эмас. Бош чаноқнинг дарз кетиши, турли қаттиқ жароҳатлар, тана суякларининг майда-майда бўлиб кетишида бир сир яширинган, деб ёзади Ю.Кузнецов. Кимнингдир кўзлари оқиб тушиши, тили танглайидан узилиб кетишини юқорида келтирилган тахминлар ва афсоналар билан изоҳлаб бўлмайди. Тадқиқотчининг фикрича, юқоридаги уйдирмалар ўйлаб топилган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, сайёҳ талабалар тунда портлаш овозини эшитган ва кундузи ўша жойга боришган.

Юрий Кузнецовнинг ишонтириб айтишича, ёш сайёҳлар гуруҳи довонда ўлдирилган. Шундан сўнг «тозаловчи»лар тунги даҳшатни илоҳийлаштириб, одамлар гўёки сайёҳларни тушлик тайёрлаб, сўнгра нимадандир чўчиб, ҳар қаёққа тўзғиб кетишган, деб ўйлашлари учун атайин уюштиришган экан. Албатта, бу ишда Дятлов шаманларининг афсоналаридан фойдаланиш улар учун қўл келган.

Нима бўлганда ҳам, мутахассислар ҳамон "ўлим тоғи" сирини оча олганлари йўқ. Юқорида баён этилган фикрлар эса ҳозирча тахминлар, холос...

Хорижий матбуот материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади

Mutolaa

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг 2006 йил 3-сони нашрдан чиқди. У Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган.

Журналнинг биринчи саҳифаси Президентимиз Ислом Каримовнинг: **«Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир»,** деган сўзлари билан бошланган.

«Мустақиллик: демократия ва инсон ҳуқуқлари мезонлари» рукнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собировнинг Сенат фаолиятига бағишланган мақоласи эълон қилинган. Муаллиф жамият ҳаётида қонун меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда, қонунларга риоя қилиш ва уларни ижро этишда Сенатнинг аҳамияти, ҳуқуқ ва ваколатлари, шунингдек, истиқболдаги вазифалари ҳақида атрофлича фикр юритади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Б.Мустафоев ўзининг **«Истиқлол ва ҳуқуқ»** номли мақоласида мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлар экан, ана шу устувор вазифани рўёбга чиқаришда адлия идоралари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самаралари ҳақида тўхталади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидованинг **«Давлат мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари»** рукнида чоп этилган мақолаларида мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари, яшаш ҳуқуқи — ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи, инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари каби мавзулар теран таҳлил этилган.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда янги демократик институтлар тизими шакланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Д.Жаҳонгирова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари Ш.Рўзиназаров, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раиси Б.Саломов, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ижрочи директори Р.Сарбаеванинг мақолаларида фуқаролик жамияти институтлари ва ижтимоий ҳамкорлик, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг мулкий ваколатларини амалга ошириш масалалари ёритилган.

Журнал саҳифаларида аёл, бола ва жамият мавзуси алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, **«Истиқлол, тинчлик ва миллий хавфсизлик», «Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ»** каби рукнларда таниқли сиёсатчилар, олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг долзарб мавзулардаги мақолалари чоп этилган.

М.МИРЗАЕВА

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг буйруғига асосан Саломова Гуландом Ҳидоятовнага берилган 000120 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия **бекор қилинди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент юридик коллежи қуйидаги фанлар бўйича педагоглик лавозимига танлов эълон қилади

— Оилашунослик — 1 нафар;
— Жисмоний тарбия — 1 нафар;
— Информатика — 1 нафар;
— Информатика — (рус) 1 нафар;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— Директор номига ариза;
— Сўровнома;
— Таржимаи ҳол;
— Олий маълумоти ҳақида дипломнинг нусхаси;
— Илмий даража ва илмий диплом нусхалари (мавжуд бўлса);
— Паспорт нусхаси;
— 4Х6 ўлчамдаги 6 дона фото сурат

Танловда олий маълумотли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида Тошкент юридик коллежи кадрлар бўлимида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-мавзе, 67- «а» уй.
Телефонлар: 75-77-01, 75-77-12. Факс: 173-84-35

Jinoyat va jazo

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

Суд очерки

(Давоми. Боши биринчи бетда)

У қамокда иккинчи муддатни ўтаб келгач, анча вақт бекор юрди. Унинг ҳалол меҳнат қилишга, ҳаётини ўнглаб олишга сира бўйни ёр бермасди. Шу боис на яшашида, на юриш-туришида тартиб бор эди. Бетартиб ҳаёт 2005 йилнинг куз ойларида уни Тошкентга етаклаб келди. Ўзича пойтахтга ишлашга келган Рашид аввалига қаерга боришни билмай сарсон бўлди. Кейин «Қўйлиқ» бозоридан иш излашга ҳаракат қилди. Шундай кунларнинг бирида бозорда эски таниши Шавкатни учратиб қолди.

— Ҳа, Рашид ака, тинчликми, бу ерда нима қилаяпсиз? – деди Шавкат.

— Тинчлик. Бирор иш бўлса, тўрт-беш сўм топсам, деб юрибман.

— Жуда соз. Биз йигитлар билан дўкон қурилишида ишлаётган эдик. Ҳар ҳолда бегона эмассиз, агар майли, десангиз, олиб кетаман. Иш ҳақи кунига 4000 сўмдан.

Бу гапни эшитиб Рашиднинг чеҳраси ёришди.

— Албатта, ишлайман, — дея унинг таклифига розилик билдирди.

Шу куниёқ уни қурилиш бўлаётган жойга бошлаб келган Шавкат 4 нафар ишчи билан таништириб қўйди. Улар кечгача ишлашар, кейин ҳаммалари уй-уйига тарқалишарди. Рашид эса борадиган жойи бўлмагани учун шу бинонинг ўзида ётиб қоларди.

Кечки маҳал шериклари иш қуролларини, асбоб-ускуналарни ҳам унга ишониб топшириб кетишарди. Қурилиш биносига яқин жойда институтнинг қоровулхонаси бўлиб, Рашид ахёнахёнда у ерга ҳам бориб турарди. Кунлар шу зайлда кечаётган эди. Лекин у бундай осуда ҳаётнинг қадрига етмади. Ҳар замон-ҳар замонда ичидаги шайтон уни эгриликка ундаб турарди. Аввалдан иродаси бўш бўлган Рашид охир-оқибат яна шайтоннинг йўриғига юрди...

ОНА ВА ЎҒИЛ

Азимжон (исм-шарифлар ўзгартирилди) кекса онаси билан бирга яшарди. Улар бир-бирига суяниб қолишган. Александр ишлаб рўзғор қилади. Онаси Лобар Қодирова эса унинг топган-тутганини пишириб-қуйдириб оғзига тутади. Бундан 8 йил аввал Азимжон институтга қоровул бўлиб ишга кирди. Бир кун ишда бўлса, икки кун дам олади. Баъзан зарур юмуш чиқиб қолганида ўрнига онаси қоровулликка бориб туради. Ўша машъум кундан бир кун аввал, яъни 8 декабрь куни уйда хурсандчилик бўлди. Азимжоннинг туғилган кунини нишонлашди. Эртасига ишга бориш унинг навбати эди.

— Болам, сен чарчагансан, бугун дамингни ол. Ўрнингга ўзим бораман, — деди унга онаси меҳрибонлик билан.

Рўзғор юмушларини бажариб, ҳаммаёқни саранжом-сариштa қилгач, Лобар Қодирова кечки соат 19 ларда ишга кетди. 9 декабрь куни эрталаб Александр машинасини таъмирлатиш учун устахонага борди. У тушга яқин уйга қайтаётганида йўлда қўшниси Нурмуҳаммадни учратиб қолди. Негадир унинг кўзида ташвиш аломати бор эди.

— Нима гап? — сўради Азимжон юраги алланечук ғаш бўлиб.

— Онанг иш жойида вафот этибди...

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

...Ўртанса қўймас, деганлари рост экан. Ичкиликнинг роса хумори тутгач, Рашид нафсини қондириш учун икки шиша ароқ, бир шиша пивони олиб келди-да, ярим тунгача майдалаб ичди. Мастликда кўнглига келган ишни қилишга ўрганиб қолмаганми, шу дамда унинг кўнглига яна ҳар хил тубан ўйлар кела бошлади. Ахийри, у ўзини босиб туролмади, кўзлари ёвуз чақнаб, қоровулхонага йўл олди. Бу пайтда Лобар Қодирова овқатланиб ўтирарди. Уни деразадан бироз қузатган Рашид эшикни оҳиста тақиллатди.

– Ие, кел. Алламаҳалда нима қилиб юрибсан? – сўради бироз хавотирланиб кампир.

– Шунчаки, бир ўзим ўтиравериб зерикдим, -деди Рашид.

Бу гапдан кўнгли хотиржам бўлган Лобар Қодирова уни дастурхонга таклиф қилди. Шундан сўнг улар ўртасида қандай гапсўз бўлиб ўтгани номаълум. Фақат шуниси аёнки, бир чоғ қутилмаганда, Рашид аёлнинг юзқўзига аёвсиз мушт туширади. Йиқилиб тушганидан фойдаланиб, баттар қутуриб дўппослайди. Шундан сўнг у кампирнинг оғир-оғир нафас олаётганига бир зум лоқайд қараб турадида, "ўлдириб қўя қолсаммикан?", — деб ўйлайди. Бу даҳшатли фикр хаёлидан нечоғлик осон кечган бўлса, ишни ҳам шу даражада совуққонлик билан бажаради. Шундан кейингина қоровулхонани тарк этади...

У қурилиш биносига етиб келгач, қўл урган мудҳиш ишининг оқибатини ўйлаб қўрқувга тушади. Бир жиноят изидан бошқа жиноятларни ҳам соядек эргашиб юриши ҳақ гап. Рашид бир бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлгани етмагандек, шерикларининг ишончини ҳам суиистеъмол қилади. Улар ўзига ишониб топшириб кетган жами 150 000 сўмлик асбоб-ускуналарни олиб, жуфтакни ростлаб қолди.

Бироқ "бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганларидек, оғир жиноят содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетган Рашид Ҳожиев орадан кўп ўтмай, ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди...

Суд мажлисида Рашид Ҳожиев айбини тан олмасликка ҳаракат қилди. Ўзини гўёки қўй оғзидан чўп олмаган содда инсон сифатида кўрсатишга уринди. Бироқ тўпланган далиллар, судмедэкспертиза хулосаси, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан унинг жинояти тўлиқ исботланди. У жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди...

ХУЛОСА

Бир жиноятнинг изи топилди. Жиноятчи қилмишига яраша жазо олди. Бироқ унинг разил қилмиши туфайли бир бегуноҳ киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Донишмандлар айтганки, агар яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилмагин. Зеро, бу ҳам сенинг ўзгаларга яхшилик қилганинг билан баробардир. Р.Ҳожиев эса бу пурҳикмат сўзларга амал қилиш тугул, ҳатто эшитмаган ҳам. Унинг бетартиб ҳаёт кечириши, иллатларнинг дояси бўлмиш ичкиликка муккасидан кетиши, ҳаётда мақсадсиз яшаши ўзга бир кишига кулфат келтирди. Воқеани баён этишдан мақсад, бир кишининг жиноятини маълум қилиш эмас, аксинча, ана шу жиноят майда камчиликлар, аввалига арзимасдек бўлиб туюлган айблар, кўзга кўринмас хатолардан бошлангани, унинг вақтида олди олинмагани боис илдиз отиб, фожиа билан тугаганини таъкидлашдир. Қолаверса, Р.Ҳожиев сингари кимсаларга нисбатан бефарқлик, уларнинг қилмишларидан бохабар бўла туриб, назорат қилмаслик фожеанинг туб илдизидир. Ҳамиша ҳушёр бўлиб, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан кузатмоқлик эса фақатгина ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, балки – сиз-у бизнинг, ҳар биримизнинг жамият олдидаги бурчимиз эканини ҳам яна бир карра таъкидлашдир.

Зокиржон ИСАЕВ,
ҳуқуқшунос,
Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декаб